

Чингиз АЙТМАТОВ

САРВҚОМАТ ДИЛБАРИМ

Қисса

МУҚАДДИМА ЎРНИДА

Касбим журналист бўлганлиги сабабли Тянь-Шанда тез-тез бўлиб туришга тўғри келарди. Бундан бир ярим йил муқаддам, баҳор кунларидан бирида мени шошилиш суратда редакцияга чақириб қолишди. Бу вақт мен Тянь-Шань областининг маркази Норинда эдим. Автостанцияга етиб келсам, бундан бир неча минут илгари автобус жўнаб кетган экан. Навбатдаги машинани яна беш соатлар чамаси кутиш керак эди. Хуллас, бирорта йўловчи машинада кетишга уриниб кўришдан бошқа илож қолмаган эди. Шу мақсадда шаҳар чеккасидаги тош йўлга қараб югурдим.

Муюлишдаги бензин колонкаси олдида бир юк машинаси турарди. Шофёр машинага эндигина бензин қуйиб бўлган экан. Севиниб кетдим. Кабина ойнасига халқаро қатнов белгиси «511» — «Совет Иттифоқи», деб ёзиб қўйилган эди. Демак, машина Хитойдан Рибачедаги чет эллар билан алоқа қиладиган транспорт автобазасига келаётган экан. У ердан истаган вақтда Фрунзегга кетиш мумкин эди.

— Сиз ҳозир жўнайсизми? Мени ҳам Рибачегача олиб кетсангиз! — деб илтимос қилдим шофёрдан.

У ўгирилиб, елкаси оша менга қараб қўйди-да, қаддини ростлаб, хотиржамгина:

— Йўқ, оға, иложим йўқ, — деди.

— Ўтиниб сўрайман, мени зарур иш билан Фрунзегга чақиртиришибди.

Шофёр менга яна хўмрайиб қаради.

— Тушуняпман, аммо хафа бўлманг, оға. Ҳеч кимни олмайман.

Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Кабинаси-ку бўш, бир кишини олиб кетса нима қиларкин. Шошилиб турганимни, нафасим бўғзимга тикилиб кетаётганини кўриб турган бўлса.

— Мен журналистман. Жуда шошиляпман. Истаганингизча ҳақини тўлашим мумкин...

— Гап пулда эмас, оға! — деб сўзимни шартта бўлди шофёр. Сўнгра жаҳл билан баллонни тепиб кўрди. — Бошқа сафар бепул ҳам олиб кетаман. Аммо ҳозир сира иложим йўқ. Мендан ранжиманг. Ҳадемай бошқа машиналаримиз ҳам келиб қолади, хоҳлаганингизга тушиб кетишингиз мумкин, лекин мен олиб кета олмайман...

Йўлда кабинага бировни олса керак, деб ўйладим ва:

— Кузовда-чи? — деб сўрадим.

— Барибир... Кечирасиз мени, оғажон.

Шофёр соатига бир қаради-ю, жўнашга шошилди.

Жуда бошим қотиб, елкамни қисиб қўйдим-да, боядан бери будка дарчасидан бизни жимгина кузатиб турган бензинчи кекса рус аёлига ҳайрон бўлиб қарадим. У гўё: «Тегманг, уни ўз холига қўйинг», — деяётгандек бош чайқарди. Қизиқ.

Шофёр кабинага ўтирди ва оғзига тутатилмаган папиросни қистириб, моторни юргизиб юборди.

У ҳали ёш, ўттизлар чамасидаги, бир оз букчайган, аммо баланд бўйли йигит эди. Унинг рул чамбарагини ушлаб олган салмоқдор чайир қўллари, ғамгин, ўйчан кўзлари ва чарчаб-хориганидан салқиб кетган қовоққари хотирамда сақланиб қолди. Йўлга тушишдан олдин у